

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ
ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ

**“ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ СТАНДАРТЛАРИГА
ҮТИШ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАНИ ЎЗБЕКИСТОНДА
ҚЎЛЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”**

мавзусидаги
халқаро илмий - амалий анжуман
мақолалар тўплами



ТОШКЕНТ – “ИҚТИСОДИЁТ” 2022

неограниченный срок полезной службы.

В соответствии со стандартом используемый метод амортизации должен отражать схему, по которой компания потребляет экономические выгоды, получаемые от актива.

Международные стандарты выделяют следующие методы амортизации:

- метод равномерного начисления;
- метод уменьшающего остатка;
- метод суммы изделий.

Метод выбирается на основе предполагаемой схемы получения экономических выгод и последовательно применяется из периода в период, если только эта предполагаемая схема получения экономических выгод от использования актива не меняется.

Применение одного из способов начисления амортизации по группе однородных объектов основных средств производится в течение всего срока полезного использования объектов, входящих в эту группу.

Таким образом, российское законодательство при начислении амортизации разрешает применять способ списания стоимости объектов основных средств по сумме чисел лет срока полезного использования, что не предусмотрено МСФО. В отличие от международных стандартов, предусматривающих изменение метода начисления амортизации в течение срока полезного использования объекта основных средств, российское законодательство не предоставляет организациям такой возможности.

Список использование литературы:

1. Национальный стандарт бухгалтерского учета Республики Узбекистан №5 « Учет основные средства», Утвержден Приказом министра финансов от 09.10.2003 г. N 114, зарегистрированным МЮ 20.01.2004 г. N 1299.
2. Национальный стандарт бухгалтерского учета Республики Узбекистан №7 нематериальные активы. Утвержден акт Приказом министра финансов от 25.03.2005 г. № 35, зарегистрированным МЮ 27.06.2005 г. № 1485.
3. Аникин Павел Алексеевич. Трансформационные корректировки по участку «Основные средства». Корпоративная финансовая отчётность. № 11, 2013.
4. Ремизова Е.Ю., Султанова Г.С. Подготовка к переходу на МСФО: что необходимо знать главному бухгалтеру. – Система «ГАРАНТ», 2009.

**Файзиева Нилуфар Шухрат қизи
ТДИУ тадқиқотчиси**

**Давлат иштирокидаги тадбиркорликда давлат-хусусий шерикчилик
асосда молиялаштириш масалалари**

Давлатнинг иқтисодий фаолиятини амалга оширишда давлатнинг молиявий ресурсларини бошқа, жумладан, хусусий сектор маблағаларини

интеграция қилиш орқали ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, ижтимоий муаммо ва масалаларни ҳал этишининг муҳим шаклларидан бири-давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил қилиш ўз аҳамиятига эга. Албатта, бу жараённи амалга ошириш Ўзбекистонда ҳали кўп бўлмаган бўлсада, уни янада такомиллаштириб боришга заррура мавжуд. Мазкур мақолада эса ана шу масалаларга кенг эътибор берилган.

Давлат тадбиркорлиги орқали хусусий сектор ва давлат капиталининг бирлашиб, миллий иқтисодиёт манфаати учун ҳаракат қилишида муҳим саналади. Бунда давлат у ёки бу лойиҳаларни амалга оширишда, ижтимоий хизматларни кўрсатишида, айрим товарларни ишлаб чиқишида хусусий сектор маблағларини жалб қилиш орқали аралаш иқтисодий фаолият юритишни ташкил қилиши мумкин. Бунда фаолият фойда олишга қаратилган ҳолатда фаолиятнинг якуний молиявий кўрсаткичи бўлган фойдани тақсимлаш муносабатларини келишиб олинади. Давлат тадбиркорлигининг бундай шаклида бир томондан амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштиришда хусусий секторни жалб қилиш орқали давлат бюджетидан сарфланадиган маблағлар тежалса, бошқа томондан ишлаб чиқаришни ҳамкорликда ташкил этилиши сабабли иқтисодий таваккалчиликлар маҳсулот тақсимоти (фойда тақсимоти)га мувофиқ ўзаро тақсимланади, фаолиятнинг самарадорлигидан иккала томон ҳам манфаатдор ва маъсулиятли ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам давлат тадбиркорлигининг мазкур аралаш тури амал қилиб келади. 2019 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шерикчилик тўғрисида”ги қонунининг З-моддасига мувофиқ, “давлат-хусусий шериклик — давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жихатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги бўлиб, бунда давлат шериги сифатида Ўзбекистон Республикаси ва (ёки) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган бошқа юридик шахслар ёки уларнинг бирлашмалари иштирок этса, хусусий шерик шаклида эса, Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузган якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ёки юридик шахсларнинг бирлашмалари”⁸⁵ иштирок этади.

1-жадвал.

2019-2022 йилларда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳалари сони⁸⁶

№	Тармоқлар ва соҳалар	Лойиҳалар сони (та)	Лойиҳанинг молиявий миқдори (млн АҚШ доллари)
	Энергетика	5	684,0
	Коммунал хизматлар	3	1000,6

⁸⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шерикчилик тўғрисида”ги қонунининг З-моддаси. <https://lex.uz/docs/4329270>.

⁸⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Соғлиқни сақлаш	32	35,8
Сув хўжалиги	105	27,5
Экология	62	103, 2
Таълим	49	80,0
Хунармандчилик	13	0,54
Маданият	20	7,69
Транспорт	1	82,8
Ветеринария ва чорвачилик	1	5,0
Ахборот технологиялари	1	5,0
Хуқуқни муҳофаза қилиш	1	3,0
Жами:	293	2068,0

Агар, жадвалга эҳтибор қаратадиган бўлсак, 2019 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шерикчилик тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниб, давлат тадбиркорлигига хусусий секторнинг жалб қилинишига хуқуқий асос яратилгандан буён, охирги уч йилда 293 та биргаликдаги 2,68 млрд долларлик лойиҳалар молиялаштирилган. Бунда асосий улушни инфратузилмада лойиҳалар сони қўплиги шундан далолат берадики, хусусий сектор томонидан сув хўжалиги, экологик муаммолар, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида молиявий маблағларнинг бирлаштирилишига замин яратган, ваҳоланки, бу каби ижтимоий муаммоларни молиялаштириш асосан давлат бюджетидан молиялаштириладики, бу лойиҳалар самарали ҳисобланади.

2019-2022 йилларда давлат-хусусий шериклик тизими доирасида амалга оширилган молиявий лойиҳаларининг йўналишларини таҳлил қиласидан бўлсак, қуёш фото электр станциясини қуриш, шамол электр станциясини қуриш, электр станцияларни модернизация қилиш ва когенерацион технологияларни жорий этиш, газ таъминоти тизимини модернизация қилиш ва бошқариш, нодавлат мактабларни ташкил этиш, спорт майдонларини қуриш, «Кундалик» автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш ва умумтаълим мактабларида жорий этиш ҳамда техник хизмат кўрсатиш, “Ўқувчилар давоматини электрон хисобга олишнинг марказлашган тизими”ни жорий этиш, мактаб педагог ходимларни фан йўналишлари ва мутахассисликларини билиш даражасини ҳамда малака тоифасини аниқлаш учун шаффоф тест синовларини ўтказиш учун замонавий тест марказларини ташкил этиш, қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини жорий этиш, Тошкент шаҳри иссиқлик таъминоти тизимларини модернизация қилиш ва бошқарувга бериш, Наманган шаҳар канализация тозалаш иншоотини модернизация қилиш, Самарқанд халқаро аэропортини модернизация қилиш ва бошқарувга бериш ва шу каби аниқ лойиҳаларга молиявий маблағлар йўналтирилган⁸⁷.

Одатда давлат тадбиркорлик фаолиятини юритишида ўзаро келишувга асосланган давлат-хусусий шерикчилик шаклига ўтиши давлатга ва хусусий секторга тегишли бўлган молиявий маблағларни жамиятда муаммо бўлиб турган жараёнларни биргаликда ечимиға йўналтиришга интилади, бу орқали хусусий сектордаги молиявий маблағларни ижтимоий ва инфратузилма

⁸⁷ <https://www.pppda.uz/5684>

тизимидағи долзарб масалаларни биргаликда ҳал этиши орқали хусусий секторда давлатга нисбатан ишончи ҳам ошириш омили бўлади.

Давлат-хусусий шерикчиликда шериклик лойиҳаси, лойиҳанинг концепцияси, объектини белгилаб олиш ўта долзарб ҳисобланади. Чунки, бу жараёнларнинг тўғри аниқланиб олиниши, иккала томондан ҳам сарфланган маблағларни бошқариш ва якуний фойдани ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Лойиҳада муҳим вазифалар бўйича чора-тадбирлар белгилаб қўйиладиган бўлса, келишилган лойиҳани амалиётга реализация қилишда жалб қилинаётган молиявий маблағлар, молиялаштириш манбалари, натижаларнинг рентабеллиги, лойиҳадан кутилаётган самарадорлик ва уни амалга оширишнинг зарурлиги (асослиги) лойиҳа концепциясида акс эттирилади. давлат-хусусий шериклик механизмида давлат-хусусий шерикликнинг шаклларидан бири бўлиб, давлат томонидан хўжалик фаолиятининг муайян турини амалга ошириш учун рухсатнома берган ҳолда мол-мулкни ва ер участкаларини тақдим этиш билан боғлик шартномаларни расмийлаштиришни ўзида ифода этадиган концессия ҳам муҳим рол ўйнайди.

Агар, 2019-2022 йилларда давлат-хусусий шериклик асосида қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш борасида амалга оширилган лойиҳаларнинг ҳудудлар кесимдаги таҳлилига қарайдиган бўлсак, энг қўп лойиҳалар Қашқадарё вилояти Тошкент шаҳри ва Фарғона вилояти ҳиссасига тўғри келган, бошқа ҳудудларда эса 1 тадан 3 тагача бу йўналишда лойиҳалар молиялаштирилган. Бундан ташқари, 2022-2023 йиллар

2-жадвал.

2019-2022 йилларда давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилган лойиҳаларнинг ҳудудлар кесимдаги таҳлили⁸⁸

№	Ҳудудлар	Лойиҳалар сони (та)	Лойиҳа йўналиши
1.	Андижон вилояти	7	Қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш
2.	Бухоро вилояти	1	Қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш
3.	Наманган вилояти	2	Қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш
4.	Навоий вилояти	2	Қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш
5.	Фарғона вилояти	9	Қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш
6.	Хоразм вилояти	3	Қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш
7.	Самарқанд вилояти	1	Қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш
8.	Тошкент вилояти	2	Қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш
9.	Қорақалпоғистон Республикаси	3	Қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш

⁸⁸ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

10.	Жиззах вилояти	3	Қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш
11.	Сирдарё вилояти	1	Қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш
12.	Сурхондарё вилояти	3	Қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш
13.	Қашқадарё вилояти	14	Қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш
14.	Тошкент шаҳри	11	Қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш
Жами:		62	

да Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларида қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиши, саралаш ва қайта ишлаш кластер хизматларини ташкил этиш бўйича жами 38, 4 млн. доллар миқдордаги 32 та лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш режалаштирилган⁸⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони 2-иловаси билан тасдиқланган Давлат дастурининг 105-банди кўрсаткичларига тиббиёт чиқиндиларини утилизация

3-жадвал.

2022-2026 йилларда давлат-хусусий шериклик (ДХШ) лойиҳаларини амалга ошириш прогноз кўрсаткичлари⁹⁰

№	Тармоқлар ва соҳалар	Лойиҳалар сони (та)
1.	Энергетика	9
2.	Коммунал хизматлар	3
3.	Соғлиқни сақлаш	3
4.	Сув хўжалиги	1
5.	Экология	3
6.	Таълим	6
7.	Маданият	1
8.	Транспорт	4
Жами:		28

Қилиш тизимини яратиш, 80 та маҳсус техника, 20 та зарарсизлантириш ускунаси (автоклав), 40 та утилизация қилиш ускунаси (инсиниратор) ва 60 та тиббиёт чиқиндиларини утилизация қилиш участкаларини қуриш, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қуввати 28 512 ўринли 16 та умумтаълим мактабларини қуриш лойиҳаси концепцияси, Тошкент шаҳар ва ҳудудий ҳалқаро аэропортларни модернизация қилиш ва бошқарувга бериш лойиҳалари, Ҳалқаро молия корпорациясининг маслаҳат кўмагида Фарғона, Тошкент, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида Нурли (Радио) терапия тиббиёт марказини ташкил этиш лойиҳаси, сув хўжалиги соҳасида Жиззах ва Сирдарё вилоятларидағи насос станцияларини муқобил энергияси билан ишлатиш

⁸⁹ <https://www.pppda.uz/5684>

⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони 2-иловаси билан тасдиқланган Давлат дастурининг 105-банди кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

лойиҳаси бошқа соҳаларга қиймати қарийб 14 млрд.долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда⁹¹.

Хулоса қилиб айтганда, давлат-хусусий шериклик асосида давлатнинг иқтисодий фаолиятининг ажралмас қисми бўлган давлат тадбиркорлигининг бундай шаклида бир томондан амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштиришда хусусий секторни жалб қилиш орқали давлат бюджетидан сарфланадиган маблағлар тежалса, бошқа томондан ишлаб чиқаришни ҳамкорликда ташкил этилиши сабабли иқтисодий таваккалчиликлар маҳсулот тақсимоти (фойда тақсимоти)га мувофиқ ўзаро тақсимланади, фаолиятнинг самарадорлигидан иккала томон ҳам ҳам манфаатдор ва маъсулиятли ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат-хусусий шерикчилик тўғрисида”ти қонуни
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартағи 2021 — 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш СТРАТЕГИЯСИ
5. Виханский О. С. Стратегическое управление : учебник. 2-е изд., перераб. и доп. - М. : Гардарики, 1999. - 356 с.
6. Глухов В. В. Финансовый менеджмент / В. В. Глухов, Ю. М. Бахрамов. - СПб.: Спец. лит., 1995. 243 с. Гольдштейн Г. Я. Стратегические аспекты управления НИОКР. Таганрог : ТРТУ, 2000. - С. 244.
7. Дробозина Л.А. Финансы. Учебник для вузов/ Под ред. проф. Л. А. Дробозиной. — М.: ЮНИТИ, 2001. — 527 с
8. T.Malikov, O.Olimjonov. Moliya. Darslik. T.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.-969 b.

Хайдарова Н.А.
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси
катта ўқитувчиси,
Khaydarova N.A.
Tashkent State Economy
University, Department of Accounting

⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги маълумотлари. <https://www.pppda.uz/5684>